



Ўзбекистон
Республикаси
Марказий банки

Бизнес кайфияти шарҳи

2022 йил I чорак



Тошкент 2022 йил

Бизнес кайфияти шарҳи – Ўзбекистон Республикаси худудларидағи иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик мұхити ва бандлик билан боғлиқ тенденцияларни муқобил индикаторлар орқали үзида ифода этади.



Ушбу шарҳ Марказий банк томонидан 2022 йил I чорак учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги тадбиркорларнинг бизнес кайфиятини ўрганиш мақсадида 2022 йилнинг апрель ойида ўтказилган сўров асосида тайёрланди. Сўровда иқтисодиётнинг турли соҳаларда фаолият юритувчи 1,5 мингга яқин тадбиркорлар онлайн иширик этишди. Бунда, имкон қадар тадбиркорлик фаолиятининг турли йўналишларини қамраб олиш орқали репрезентативликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўровнома худудлардаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик шароитлари ва мұхитига таъсир қилувчи омиллар, энергия истеъмоли ҳажми ўзгариши, юқ ташишдаги кўрсаткичлар, соҳалардаги иш кучига бўлган талаб ҳамда бандлик даражаси, савдо ҳажми ҳамда соҳа истиқболи бўйича жорий ҳолат ва кутилмалар юзасидан 15 дан ортиқ саволлардан иборат.

Саволлар бир неча жавоб вариантиларидан иборат бўлиб, қатнашувчилар томонидан бир пайтни үзида уларнинг биттаси ёки бир нечтаси танланиши мумкин. Натижалар ҳар бир жавоб вариантини танлаганлар сонини умумий жавоблар сонига бўлиш ва алоҳида грухлар бўйича вазнли коэффициентлар қўллаш орқали умумлаштирилади. Умумлаштирилган маълумотлар тақсимот қоидалари асосида таҳлил қилиниб, ўртача кўрсаткичлар билан таққосланади.

Таҳлиллар мамлакатнинг турли худудларидаги иқтисодий шароитларни қиёсий таққослаш ва ўзгариш тенденцияларини сифат жиҳатдан ўрганиш имконини беради.

Умумий хулосалар

Тадбиркорлик мұхити


Респондентларнинг фикрича республикада 2022 йил I чорагида тадбиркорлик шароитлари ва мұхити үтган чоракка ныбатан **сезиларлы үзгаришларсиз** шакланған. Сүровда қатнашғанларнинг аксарият қисми учун тадбиркорлик мұхитига **онлайн банк хизматлари сифати яхшиланиши, рақобат мұхити бироз яхшиланғани** ва **лицензия олиш билан бөғлиқ енгилликлар** ижобий таъсир күрсатған бўлса, **сўм курсининг қадрсизланғанлиги, солиқ маъмурчилиги, йўллар инфратузилмаси қониқарли эмаслиги** ҳамда фаолиятга маъмурӣ аралашувлар

 салбий баҳоланган.

Иқтисодий фаоллик

Чорак давомида **энергия истеъмоли** – тадбиркорларнинг ярмидан кўпидан үзгартмаган бўлса, 37 фоизида ошган ва 8 фоизида пасайган.

Юк ташиш ҳажми – 54 фоиз вакилларда үзгаришсиз сақланиб қолган. Бунда, ташувлар ҳажми 30 фоизида ошган бўлса, 16 фоизида пасайган.



Респондентларнинг учдан бир қисми чорак давомида **тўлиқ фаолият юрита олмаганликларини** қайд этишган. Бунда, тўлиқ ишламаслик сабаблари сифатида хом-ашё материаллар логистикасидаги узилишлар ҳамда жорий йилнинг март ойида юртимизда кузатилган нокулай об-ҳаво шароитлари каби омиллар келтирилган.

Бандлик

Чорак давомида ишбилармонларнинг аксарият қисмидаги **ишчи кучига бўлган талаб** үзгартмаган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳаларда қўшимча ишчи кучига бўлган талаб бироз ошган. Айни патда, ушбу даврда бизнес вакилларидан **иш сўраб келувчилар** сони кўпайган. Бунда, **фан-таълим, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва молия соҳаларида** иш қидиравчилар сони ошган.

Пул-кредит

Бизнес вакилларининг қарийб ярми чорак давомида **қарз юкининг** (кредит ва фоиз тўловлар) кўпайганлиги таъкидлашаган. Бунда респондентларнинг 60 фоизидан кўпи амалдаги пул-кредит шароитлари “қатъий” сифатида баҳолашган. Респондентларнинг валюта курси бўйича кутилмалари **нормал тақсимланиб**, аксарият тадбиркорлар курснинг кескин ошиши **эҳтимолини паст баҳолашган**. Шу билан бирга, вакилларнинг 28 фоизга яқини жорий йилнинг II чорагида валюта курсини бироз пасайишини кутишмоқда.

Истиқболлар

Умуман олганда тадбиркорларнинг келгуси давр учун кутилмалари **оптимистик шакланган**. Келгуси вазият яхшиланишини кутувчиларнинг улуши ёмонлашувини кутувчиларга қараганда **уч баробар** кўпни ташкил этди. Бунда истиқбол даврига қараб иқтисодий вазиятнинг яхшиланиши бўйича кутилмаларнинг ижобийлиги ортиб борган.



Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

Тошкент вилоятидаги тадбиркорларнинг салмоқли қисми 2022 йил I чорагида мұхит **яхшиланганини** таъкидлашган бўлса, Тошкент шахридаги вакиллар бизнес шароитлари **ўзгаришсиз қолганини** билдиришган. Шунингдек, бизнес мұхитининг ёмонлашганини таъкидлаган респондентлар Тошкент шахрида вилоятдагига қараганда икки баробар кўпчиликни ташкил қилган.

Бунда, солик маъмурчилиги, маъмурий аралашувлар, монопол корхоналар кўлами ортиб бораётгани, инфратузилма билан боғлиқ масалалар ишбилармонлик шароитларига салбий таъсирини таъкидлашган (1-расм).

Шунингдек, алмашув курси-нинг барқарорлиги ва лицензия ва гувоҳномалар олиш бўйича енгилликлар яратилганлиги ижобий баҳоланган.

Чорак давомида бизнес вакилларнинг ярмидан кўпида **ёқилғи ва энергия истеъмоли** ҳамда юқ ташиш хажмлари аввалги чоракка нисбатан **ўзгаришсиз қолган** (Тошкент шахрида – 56 фоиз, Тошкент вилоятида – 53 фоиз).

Худудлардаги бизнес вакилларининг **30 фоизига яқини** чорак давомида **тўлиқ иш фаолиятини юрита олмаганиларини** билдиришган.

Бунга асосий сабаблар сифатида **нокулай иқлим шароитлари, хомашёларнинг етишмаслиги, айланма маблағлар камлиги** ҳамда **маҳсулот ва хизматларга бўлган талабнинг камайиши** каби омилларни таъкидлашди.

1-расм. Ишбилармонлик мұхитини ёмонлашишига таъсир этувчи омиллар, (респондентлар улуши, фоизда)



Умуман олганда, иккала ҳудудда ҳам ишчи кучига **бўлган талаб ўзгаришсиз қолган**.

Тошкент вилоятида **қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ҳамда савдо соҳасидаги тадбиркорлардан** иш излаб келганлар улуши юқори шаклланган.

Шу билан бирга, ҳудудлардаги респондентларнинг **кўпчилик қисми кредитлар ва фоизлар бўйича қарз юкламалари ошиб** бораётганлиги қайд этишган.

Ҳудудлардаги бизнес вакилларининг кутилмалари оптимистик шакллиб, келгуси 3 ойда ўз тушумлари ва савдо хажми **ошишига** ишонч билдиримоқда. Ҳусусан, **ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва савдо** соҳаларидағи вакиллар даромадлари янада кўпайишини кутишмоқда.

Шунингдек, Тошкент шахридаги вакилларнинг учдан бир қисми соҳа ривожида **ўзгаришлар бўлишига шубҳа билан қарашмоқда**.



Бухоро, Навоий, Самарқанд

Бухоро вилоятида фаолият юритаётган субъектлар худуддаги бизнес шароитлари **ўзгаришсиз қолганини, Самарқанд ва Навоий** вилоятлари бизнес вакиллари эса тадбиркорлик муҳити бироз яхшилашганини таъкидлашди.

Тадбиркорлар томонидан асосан **солиқ маъмурчилиги** билан боғлиқ масалалар ва **маъмурий аралашувлар кўпайиши** фаолият юритишга салбий таъсир кўрсатган омиллар сифатида эътироф этишган.

Умуман олганда ушбу худудлардаги тадбиркорларнинг аксарият қисмида **энергия сарфи ҳамда юк ташиш ҳажми** ўзгаришсиз сақланиб қолган. Бунда, ташувлар ҳажми **30 фоиз** вакилларда ошган бўлса, **12 фоизида** пасайган.

Худудларда респондентларнинг учдан бир қисми чорак давомида **тўлиқ фаолият юрита олмаганликларини** қайд этишган. Асосий сабаблари сифатида **айланма маблагнинг камлиги** ва **хомашё етишмаслиги** келтириб ўтилган (2-расм).

Навоий вилоятидаги вакиллар **логистикадаги узилишлар** иш фаолиятига салбий таъсир этганини таъкидлашган бўлса, Бухорода **нокулай об-ҳаво шароитлари** тадбиркорлар учун қийинчиликлар келтирганини эътироф этишган.

Худудлардаги бизнес вакилларининг аксарият қисмида ишчи **кучига бўлган талаби** ўзгармаган. Шунингдек, ушбу худудларда **фан-таълим, савдо, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги** соҳаларидаги тадбиркорларда қўшимча ишчи кучига бўлган талаб бироз ошган. Айни пайтда, айнан мазкур соҳаларда **иш изловчилар** сони ҳам юқори бўлган.

2-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, (респондентлар улуши, фоизда)



Кредит ва фоиз тўловларини **ошганлигини** қайд этган жавоб берувчилар улуши ушбу худудларда ҳам юқори бўлди.

Шунингдек тадбиркорларнинг ярмидан кўпи иқтисодиётдаги жорий пул-кредит шароитларини **қатъий**, яъни фоизлар нисбатан юқори дея баҳолашган.

Самарқандда **таълим соҳасидаги** бизнес вакилларининг, Навоийда **ишлаб чиқариш ва савдо** каби соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг аксарият қисми келгуси чорақда **савдо ҳажми ва даромадлари ортишига ишонч билдиришди**.

Бухоро вилояти тадбиркорлари эса келгусида **сезиларли ўзгаришлар кутишмаяпти**. Умуман олганда, бизнес вакиллари узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда иқтисодиёт ва бизнес ривожланишига ишонч билдиришган.



Андижон, Наманган, Фарғона

2022 йил I чоракда ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорлар бизнес шароитлари **яхшиланганини** таъкидлашган бўлса, **Фарғона** вилоятида фаолият юритаётган респондентларнинг 30 фоизи тадбиркорлик мухити **бироз ёмонлашганини** эътироф этишган.

Бизнес вакиллари ўз **молиявий ҳолатларининг яхшилангани** ҳамда ҳудудда тадбиркорлар ўртасида **соғлом рақобат ривожланаётгани** бизнес мухитига ижобий таъсир этаётганини билдиришди.

Шу билан бирган, кредит олиш билан **боғлиқ тўсиқлар мавжудлиги, газ ва электр таъминотидаги узилишлар** ҳамда **маъмурӣ аралашувлар кўпайиши** каби омиллар ишбилармонлик мухитига салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидланди.

Иқтисодий фаоллик даражаси ҳудуларда ўзгаришсиз қолганлиги кузатилди. Бунда, **юқ ташиш ҳажми 30 фоиз** вакилларда ошган бўлса, **17 фоизида** пасайган.


Ушбу вилоятларда ҳам чоракнинг барча кунларида **тўлиқ фаолият юрита олмаганлик** ҳолатлари кузатилган. Респондентларнинг учдан бир қисми маълум бир узилишлар билан ишлашган.

Айни пайтда, тадбиркорлик билан шуғуланиш учун **етарли маблағ мавжуд эмаслиги, газ ва электр таъминотидаги узилишлар, талабнинг барқарор эмаслиги** кабилар тўлиқ ишламасликлари сабаблари сифатида келтириб ўтилган.

Андижон ва Фарғона вилоятларида ишлаб чиқариш, фан-таълим ва қурилиш соҳаларидан ташқари қолган соҳа вакилларининг ишчи кучига бўлган талаби ўзгармаган. Наманган вилоятида эса хунармандчилик соҳасида қўшимча

ишчиларга бўлган талаб юқорилаган (3-расм).

3-расм. Охирги 3 ойда корхоналарда қўшимча ишчи кучига бўлган эҳтиёж, (респондентлар улуши, фоизда)



Ишлаб чиқариш соҳасида ишга қирувчи талабгорлар сони юқори бўлган. Шунингдек, **қурилиш, умумий овқатланиш, ташиш хизмати, фан-таълим** ҳамда **савдо** соҳасида ҳам иш жойи сўраб келганларнинг улуши кўпчиликни ташкил қилди.

Бизнес субъектларининг аксарият қисми сўнги чоракда кредит ва фоиз тўловлари **ўзгаришсиз қолганлигини** таъкидлашган.

Шунингдек тадбиркорларнинг ярмидан кўпи иқтисодиётдаги жорий пул-кредит шароитларини қатъий, яъни фоизлар нисбатан юқори, **36 фоизи** эса фоизларни ўртача дея баҳолашган.

Умуман олганда, иқтисодиёт субъектлари келгуси 12 ойда мамлакатимизда иқтисодий мухит нисбатан **яхшиланишига** ишонч билдиришмоқда.



Қашқадарё, Сурхондарё

Вакилларнинг кўпчилиги сўров ўтказилган даврда бизнес шароитлари ва муҳити умуман олганда ўзгармаганлиги таъкидлашди. Айни пайтда, **Сурхондарё вилоятида 15 фоиз**, Қашқадарёда эса **26 фоиз** жавоб берувчи тадбиркорлар чорак давомида бизнес юритиш шароитлари ёмонлашганини билдирган.

Вакиллар газ ва электр **таъминоти нисбатан барқарорлашгани, мажбурий ҳомийликлар камайганини** ижобий ҳолат сифатида келтиришган бўлса, **етарли инфратузилма мавжуд эмаслиги, маъмурий аралашувлар кўпайганлиги ҳамда монопол корхоналар кўлами мининг кенгайганлиги** фаолият ривожланишга тўсқинлик қилаётганлигини қайд этишди.

Чорак давомида тадбиркорлик субъектларининг **аксарият қисмидаги ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳамда юк ташиш хажми ўзгаришсиз қолган**. Энергия истеъмолини **ошганлиги таъкидлаганлар** эса **37 фоизни ташкил этмоқда**. Қашқадарёлик вакилларнинг **59 фоизида** юк ташиш хажми ошмаган бўлса, Сурхондарёда ушбу кўрсаткич **50 фоизни** ташкил этган.

Ушбу вилоятларда тадбиркорларнинг учдан бир қисми айрим сабабларга кўра чорак давомида **тўлиқ иш фаолиятини юрита олмаганликларини** билдиришган.

Асосий сабаблар сифатида **хомашёларнинг етишмаслиги ҳамда ёқилғи таъминоти** билан боғлиқ муаммолар унинг **нархи ошишига** сабаб бўлаётганлигини қайд этишган.

Худудларда вакилларнинг асосий қисмida ишчи кучига бўлган **талаб ўзгармаган**. Иш сўраб келгувчилар сони эса ушбу вилоятларда сезиларли ошган.


Бунда қишлоқ хўжалиги, қурилиш, тиббиёт ҳамда **майший хизмат соҳасида** иш излаётганлар кўпчиликни ташкил қилган. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Қашқадарёда иш сўраб келгувчиларнинг аксарият қисми **савдо** соҳасига тўғри келган.

Тадбиркорларнинг **45 фоизи** сўров ўтказилган даврда қарз юкламаларининг кўпайганлиги таъкидлашган. Бизнес вакилларининг 12 фоизида бу кўрсаткич камайган.

Сурхондарёдаги респондентлар келгуси 3 ойда ўз бизнес фаолияти яхшиланишига ижобий қарашмоқда. Ҳозирги кунда жадал ривожланиб бораётган **қишлоқ хўжалиги соҳасида** ҳамда **савдо** тадбиркорлар даромадлар ошишини кутишмоқда.

Қашқадарё вилоятидаги вакилларнинг аксарият қисми соҳа ривожида ўзгаришлар бўлишига шубҳа билан қарашмоқда (**4-расм**).

4-расм. Тадбиркорларнинг келгуси 3 ойда бизнес фаолияти истиқболи бўйича кутилмалари, (респондентлар улуши, фоизда)





Жиззах, Сирдарё

Жиззах вилояттида фаолият юритаётган бизнес вакиллари ўз худудларидан бизнес шароитлари яхшиланганини, Сирдарё вилояттида фаолият юритаётган тадбиркорлар эса **үзгаришлар сезмаганлигини таъкидлашди.**

Ушбу ҳудудда бизнес бошлишнинг осонлиги, маъмурий аралашувлар камайганлиги ва бу, ўз навбатида, рақобат мухити бироз яхшиланашига олиб келагини жорий йилнинг I чорагида бизнес мухитига ижобий таъсир кўрсатди.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун етарли **инфратузулма мавжуд эмаслиги, солиқ маъмурчилиги қийинлашгани** каби сабаблар бизнес юритиш мухитига салбий таъсир қилаётганлиги аниқланган.

Ўрганилаётган чорақда аксарият тадбиркорларда **энергия истеъмоли ҳамда юқ ташиш ҳажми** ўзгармаган.


Чорак давомида респондентларнинг **учдан бир қисми** тўлиқ иш фаолият юрита олмаганликларини қайд этишган. **Ноқулай об-ҳаво шароити** ҳамда минтақадаги ташқи иқтисодий фаолиятнинг ёмонлашиши натижасида юзага келган **хомашё танқислиги** бизнес вакилари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатган.

Савдо, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамда **ташиш хизматида** фаолият юритаётган тадбиркорларнинг ишчи кучига бўлган **талаби** ошган бўлса, қолган бизнес вакилларида ишчи кучиган бўлган эҳтиёж ўзгармаган.

Худудларда талабга мос равишда ушбу соҳаларда иш сўраб келганлар улуши ҳам кўпчиликни ташкил қилди. Хусусан, иш излаётганларнинг аксарияти **савдо** (25 фоиз), қолганлари эса **ишлаб чиқариш** (15 фоиз), **қишлоқ хўжалигида** (10 фоиз) ҳамда **ташиш хизмат** (10 фоиз) соҳасида ишламоқчи эканликларини билдиришган. Шуниндек, Сирдарёда **фантазиям соҳасида** иш излаётганлар ўтган чоракка нисбатан ошган.

Бизнес субъектларининг аксарият қисми сўнги чорақда кредит ва фоиз тўловлари ўзгаришсиз қолганлигини таъкидлашган (5-расм).

5-расм. Бизнес вакилларининг охирги 3 ойда кредит / қарзлари ўзгариши , (респондентлар улуши, фоизда)



Жиззах вилояттида **савдо, ташиш хизмати ва ишлаб чиқариш** соҳалари ҳамда Сирдарёда **фантазиям** ҳамда **қишлоқ хўжалиги** соҳаларида фаолият юритаётган бизнес вакилларининг қарийб ярми келгуси чорақда савдо ҳажми ва даромадлари ортишини прогноз қилишмоқда.



Қарақалпоғистон, Хоразм

2022 йил I чоракда респондентлар Қарақалпоғистонда бизнес юритиш шароитлари ва муҳити бироз яхшилангани қайд этишган бўлса, Хоразмда тадбиркорлик муҳити ўзгаришсиз қолганини таъкидлаганлар кўпчиликни ташкил этди.

Тадбиркорларнинг аксарият қисми **онлайн банк хизматлари** ва тадбиркорлар ўртасидаги **рақобатни ривожланаётганлиги** ижобий омиллар сифатида келтиришган.

Бунда, **маъмурий аралашувлар** кўпайганлиги, солиқ маъмурчилиги ва йўл инфратузилмаси қониқарсиз ҳолдалиги худуд бизнес муҳитига салбий таъсири кўрсатаётганлиги билдиришган.

Чорак давомида Қарақалпоғистонда тадбиркорлик субъектларининг ёқилғи ва **энергия сарфи** бироз кўпайган бўлса, Хоразмдаги вакиллар энергия сарфи ўзгармаганини таъкидлашган. **Юқ ташиш ҳажми** эса бизнес вакилларининг аксарият қисмида ўзгармаган.

Хоразмда жавоб берувчиларнинг **30 фоиздан** ортиғи чорак давомида тўлиқ фаолият юрита олмаганликларини билдиришган бўлса, Қарақалпоғистонда бу кўрсаткич 15 фоизни ташкил қилди. Таъкидлаб ўтиш керакки, бу бошқа худудларга нисбатан энг паст кўрсаткичdir.

Тўлиқ иш фаолиятига тўсқинлик қилган сабаблар сифатида **айланма маблағларнинг камлиги, газ ва электр таъминотидаги узилишлар** ҳамда обҳаво шароитларининг ёмонлашиши каби омилларни таъкидлашган.

Умуман олганда, ҳудудларда ишчи кучига бўлган талаб ўзгармаган бўлсада, **иш сўраб келгувчилар сони сезиларли ошган.**

6-расм. Иш сўраб келганлар улуши (фоизда)



Қарақалпоғистонда **ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш** ҳамда **молия** соҳасида иш излаётганлар кўпчиликни ташкил қилган (6-расм).

Хоразмда эса иш сўраб келувчиларнинг аксарият қисми **фан ва таълим** ва **савдо** соҳаларига тўғри келган.

Хоразм вилоятида кредитлар ва улар бўйича фоиз тўловлар ошиб бораётганлар улуши юқори шаклланди.

Жавоб берувчи вакилларнинг **55 фоизига** яқини жорий фоизларни “**қатъий**” сифатида баҳолашган.

Аксарият (50 фоиздан юқори) бизнес вакиллари келгуси З ойда ўз савдо ва даромадлари ҳажми **янада кўпайишини** кутишмоқда.

Хусусан, Қарақалпоғистонда **умумий овқатланиш** ҳамда **ишлаб чиқариш** соҳаси, Хоразмда эса **майший хизмат** ва **савдо** соҳаси ривожига ишонч юқори шаклланган.